



А. ТУРАЕВ олган сурат

Хафтанинг муҳим воқеалари

16 январь

Президентимиз Ислам Каримов Оксарой қароргоҳида Москва Давлат университети ректори Виктор Садовничийни қабул қилди. В.Садовничий «юртбошимизга МДУнинг профессори фахрий унвони берилганлиги тўғрисидаги дипломни топширди».

17 январь

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»-ги Қарори қабул қилинди.

18 январь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Миллий истиқлол госяси: асосий тушунча ва тамойиллар» фани бўйича таълим дастурларини яратиш ва республика таълим тизимига жорий этиш тўғрисида»-ги Фармойиши эълон қилинди.

19 январь

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 10 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»-ги Қарори қабул қилинди.

20 январь

«Терроризмга қарши кураш тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни амалга киритилди.

**Бола
соғлом,
она
бахтиёр.**

ГАЗЕТХОН БАХСГА
ЧОРЛАЙДИ

▶ **НЕГА СОЛИҚ ТЎЛАШИМИЗ КЕРАК?** **3**

ИБРАТЛИ
УМР

▶ **«ЁШЛАРГА ҲАВАСИМ КЕЛАДИ»** **4-5**

СУД
ОЧЕРКИ

▶ **ҚАБОҲАТ** **7**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРОКУРАТУРАСИ ВА АДЛИЯ
ИДОРALARINING RAХBAR ХОДИМЛАРИГА ДАРАЖАЛИ
МАХСУС УНВОНЛАРИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА**

Куйидагиларга даражали махсус унвонлари берилсин:

1 - даражали Давлат адлия маслаҳатчиси

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори — Рашитжон Ҳамидович Қодировга
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири — Абдусамат Абдуҳамидович
Полвон-зодага

3 - даражали Давлат адлия маслаҳатчиси

Ўзбекистон Транспорт прокурори — Баҳодир Мирзааҳмедович Тойжоновага

Ўзбекистон Республикаси

Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2001 йил 13 январь

ҚОНУН ЛОЙИХАСИ — УМУМХАЛҚ МУҲОКАМАСИДА

Рашит ҚОДИРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош
прокурори, 1 даражали Давлат
адлия маслаҳатчиси

ПРОКУРАТУРА ИДОРALARИ ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

Мустақилликка эришгач, ҳаётимизда улкан ўзгаришлар рўй берди. Мамлакатимиз иқтисодиёти, маънавияти ҳамда ижтимоий соҳаларда оламшумул муваффақиятларни кўлга киритдик. Буларнинг ҳаммасига Юртбошимиз Ислам Каримов бошчилигида, ўз танлаган йўлимиздан дадил бораётганлигимиз боис эришмоқдамиз. Орадан ўтган ўн йил давомида мамлакатимизда қонунчилик соҳасида салмоқли ўзгаришлар юз берди.

Давлатимизнинг қонун чикарувчи олий органи — Олий Мажлис, давлат ҳокимиятининг яна бир тармоғини ифода этувчи Конституциявий суд, барча суд идоралари, шу жумладан фуқаролик ва ҳўжалик судлари фаолияти қайтадан тўзилди. Махаллий давлат ҳокимияти ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ваколатлари кенгайтирилди. Адвокатура, солиқ ва божхона идоралари қайтадан ташкил этилиб, уларнинг ҳўқуқий мақоми мустахкамланди.

Бозор иқтисодиётига ўтишнинг ҳўқуқий асослари яратилди. Мулкчилик, ер, тадбиркорлик, деҳқон-фермерлар, банklar тўғрисидаги ва бошқа қонунларнинг қабул қилиниши фикримиз далилидир.

Инсон ҳўқуқлари бўйича қонунлар ва институтлар тизими яратилди. Қонунларнинг аксарияти бевосита фуқароларнинг ҳўқуқларини ҳимоя қилишга, уларни қаролатлашга қаратилгандир. Ўзбекистон инсон ҳўқуқларига оид 40 дан ортиқ халқаро шартномага қўшилди. Инсон ҳўқуқлари бўйича Олий Мажлис вакили (Омбудсман), Парламент қошидаги амалдаги қонунчилик мониторинги институти, Инсон ҳўқуқлари бўйича Миллий марказ таъсис этилди.

Маънавиятимизни асраб-авайлашга

қаратилган бир қанча қонунлар ҳам қабул қилинди.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасининг 300 дан ортиқ янги қонун, 14 та Кодекси қабул қилиниб, амалиётга жорий этилди. Фуқаролик, маъмурий, меҳнат, оила, уй-жой, жиноят кодекслари, фуқаролик, ҳўжалик, жиноят процессуал кодексларисиз бугун ҳўқуқ тизимини тасаввур этиш қийин.

Президентимиз Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 8 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқидан таъкидланганидек, «...эришган ютуқларимизнинг, бугун кечаётган тинч ва осуда ҳаётимизнинг, эртанги кунимизга бўлган ишончимизнинг, халқаро майдонда ортиб бораётган обрў-эътиборимизнинг неғизда Конституциямиз белгилаб, муҳраб берган қонуний ва ҳўқуқий асослар тургани ва уларни оғишмай ҳаётимизга татбиқ этаётганимиз муҳасамдир».

Давлатимизнинг ҳўқуқий асоси бўлган Конституциямизда қонун устуворлигини таъминлашдек масъулиятли вазифа прокуратура идоралари зиммасига юкланган.

(Давоми 2-бетда.)

НЕГА СОЛИҚ ТЎЛАШИМИЗ КЕРАК?

Хурматли тахририят! Биз 1998 йил 22 майдан бошлаб, Қоғон шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариал идора очиб ишлаб келаямиз.

Солиқлар ҳамда бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан кейин, пул ўтказиши йўли билан ишончимиз учун бир фуқародан 1500000 сўмга уй сотиб олдик ва уни таъмирладик. Уй мижозларга хизмат кўрсатиши учун ноқулай бўлганлиги сабабли, бошқа жойдан яна битта уй харид қилдик.

Биринчи сотиб олинган уйимизга харидор изладик, аммо уйни ҳеч ким олмади. Орадан бир йил вақт ўтгандан кейин жамоа авлозлигимиз нишонида умумий мажлис ўтказиб, уйга эҳтиёжи бўлган бир ходимимизга уни бепул бериш ҳақида қарор қабул қилдик ҳамда шу қарорга асосан буйруқ чиқариб, бошқа нотариус орқали қартирани ҳужжатлаштирдик.

Ушбу масаланинг қонунийлиги юзасидан солиқ ходимларига мурожаат қилганимизда улар «уйни бепул олган ходимимиз ишонча томонидан сотиб олинган 1500000 сўм ҳисобидан 40 фоиз даромад солиғи тўлаши керак», деди.

Уй уй-жойларни кадастр қилиш бўлими эса расмийлаштирилатган уйни 162000 сўмга баҳолаган эди.

Ходимимизнинг белгиланган миқдордаги солиқни тўлашга қурби етмаганлиги сабабли, унинг аризасига асосан уйни бепул бериш ҳақидаги шартномани нотариус орқали бекор қилдириб, уйни

яна ишонча ҳисобига ўтказдик.

Нотариал идоралар ҳақидаги қонуннинг 22-моддасида «хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус томонидан олинган пул маблағлари давлат бюджетига солиқлар, бошқа мажбурий тўловлар тўлагандан кейин нотариуснинг мулкига ўтади», деб кўрсатилган.

Шундай экан, биз барча солиқларни тўлагачи, қолган маблағимиз эвазига сотиб олган мулкчимиз, яъни уйни ҳамқасбимизга бепул берсак, қандай асосларга кўра у даромад солиғи тўлаши керак?

Агарда бу ҳолат қонунда белгиланган бўлса, 40 фоизли даромад солиғи қайси суммадан тўлаши лозим? Яъни, уй олиш учун ўтказилган 1500000 сўмданми ёки ходимимизга уйни ҳужжатлаштириб беришда Қоғон шаҳар уй-жойларни кадастр қилиш бўлими томонидан берилган маълумотномада кўрсатилган 162000 сўм ҳисобиданми?

Яна бир ходимимизга эса умумий мажлис қарорига кўра ёрдам сифатида пул ўтказиши йўли билан 1500000 сўмга телевизор олиб бердик. Бу ҳолатда ҳам 40 фоизли даромад солиғи тўлаши керакми?

Ушбу масала юзасидан аниқ жавоб олиш мақсадида тахририятга мурожаат қилишни лозим топдик.

Ирина АБЗАЛОВА,
Қоғон шаҳридаги хусусий
нотариал идорасининг бош ҳисобчиси

Тахририят муштарийимиздан келган хатга аниқлик киритиш мақсадида, уни Давлат солиқ қўмитасига юборганди. Яқинда қўмитадан қуйидаги жавобни олдик:

«Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 48-49-моддаларига мувофиқ, жисмоний шахсларнинг жами йиллик даромади таркибига солиқ тўловчи олинган лозим бўлган (олган) ёни текинга олган пул ёхуд бошқа маблағлар, шу жумладан меҳнатга ҳақ тўлаш шаклида олинган даромадлар киради.

Меҳнатга ҳақ тўлаш шаклида олинаётган даромадларга иш беворининг ўз ходимларининг бевосита ёки билвосита даромадларини ташкил этадиган бошқа харажатлар ҳам киради. Бундай харажатларга қорхона ёки ташкилот ходимлари ўзлари тўлашлари лозим бўлган, лекин улар учун қорхона ёки ташкилот томонидан тўланган маблағлари ҳам киради.

Юқоридагиларни ҳисобга олиб, қорхона томонидан ходимга бепул берилган уй ҳамда телевизорнинг қиймати шу ходимнинг даромади ҳисобланади, бу даромаддан Солиқ кодексининг 55-моддасида белгиланган солиқ ставкалари бўйича солиқ олинади.

Кодекснинг 49-моддасига асосан, жисмоний шахслардан ундирилмайдиган даромад солиғини ҳисоблаш пайтида уларга берилган уй-жой ёки телевизор бўйича солиққа тортилмайдиган даромад қилиб шу буюмлар учун қорхона томонидан қилинган харажат (сотиб олиш, таъмирлаш, транспорт ва бошқа шу каби харажатлар) миқдори олинади.

Хурматли тахририят, сизларга қилган мурожаатимга Давлат солиқ қўмитаси томонидан йўлланган жавоб хатини олдим.

Солиқ қўмитаси юборган жавоб хатида Солиқ кодексининг 49,55-моддасига асосан жисмоний шахсдан солиқ олиш кўрсатилган. Нотариал идорамиз эса юридик шахс ҳисобланади, шундай экан, даромад солиғи Солиқ кодексининг 28,30-моддаларига асосан ундирилмайдими? Чунки уй нотариал идорасининг бошлиғи — юридик шахсга берилган қу.

Қўмита томонидан берилган жавобда «биз ҳамма солиқларни тўлаб, ҳисобимизда қолган пулга сотиб олган мулкчимиз, яъни уйимизни ходимимизга бепул берсак, ходимимиз 40% даромад солиғини қайси қонунга ва қайси суммадан тўлаши керак», деган саволимиз эса очиқ қолган.

Шуни эслатиб ўтмоқчиманки, уй-жой қурилганидан сўнг вақт ўттиши билан амортизация ҳисобидан ишдан тўли унинг суммаси камайиб боради.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси то-

монидан 17.00.1998 йилдаги 538 сонли биргаликда чиқарилган тавсияномада нотариус томонидан давлат божлари БТИ идоралари томонидан аниқланган инвентаризация суммасидан кам бўлмаган нархлардан келиб чиққан ҳолда ундирилади деб кўрсатилган. Шу тавсияномага асосан нотариуслар томонидан уй олди-сотди шартномаси тузишда уй-жойнинг инвентар нархи 23500 сўмга белгиланган бўлиб, томонлар уни 40000 сўмга баҳолаган деб кўрсатиб, нотариус шу 40000 сўмдан 10% бож олиши даркор.

Уйни бировга ҳадя этишда эса уй-жойни инвентар нархи 23500 сўм деб кўрсатилади ва нотариус 23500 сўм ҳисобидан 1% бож олади.

Ишончимиз ўз ходимига бепул берган уйни ҳам нотариус орқали ҳужжатлаштиришда шартномада уйни инвентар нархи 162000 сўм деб кўрсатилган.

Шу сабабли тахририятдан инвентар нархдан даромад солиғи тўласак тўғри бўладими, деб сўраган эдим.

Сизларга такроран мурожаат қилаётганлигимиз сабаби, ушбу саволга аниқроқ жавоб олиш ундирилди.

И. АБЗАЛОВА

ТАХРИРИЯТДАН

Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 31 декабрдаги 554-сонли қарорига кўра жисмоний шахсларнинг бир ойлик даромадларига нисбатан қўлланмайдиган солиқнинг энг максимал ставкаси 40 фоиз қилиб белгиланган. Солиқ кодексининг 49-моддасига мувофиқ, жисмоний шахсининг олган даромади нисбатан солиқ ставкасини белгилашда, унинг бир ой давомида иш ҳақи, муқофот пуллари ва меҳнатга ҳақ тўлаш шаклида олинган бошқа даромадлари ҳисобга олинади. Меҳнатга ҳақ тўлаш шаклида олинмайдиган даромадларга жисмоний шахсларнинг меҳнат шартномаси бўйича қилинган ишлардан ва фуқаролик-хуқуқий шартномалар бўйича оладиган даромадлари киради (СК 50-моддаси.)

Бундай даромадга эга бўлган жисмоний шахслардан солиқ даромад олинган ҳар бир календарий ой учун ҳисобланади. Солиқ солиш мақсадлари учун энг кам ойлик иш ҳақининг миқдори йил бошидан ортиб борувчи якун тарзида ҳисобланади.

Уй ва телевизорнинг баҳоси ҳам уларнинг ҳужжатларида белгиланган нархдан келиб чиқилади. Яъни, бу миқдор уй бўйича уни ҳужжатлаштириш вақтида тегишли давлат органи баҳолаган (162000 сўм) суммадан олинади. Иккинчи хатнинг 1-пунктида уй нотариал идорасининг бошлиғига - юридик шахсга берилганлиги ва унинг учун даромад солиғи СКнинг 28, 30-моддаларига мувофиқ ундирилмайдими, деб сўраган. Агар даромад солиғи маъзур моддалар бўйича ундирилмайдиган бўлса, унда уй нотариал идорасида ишловчи ходимга эмас, балки нотариал идорага берилган бўлиб, унинг балансига олинмади-ку. Бу ҳолда уй нотариал идораси томонидан олинган даромад ҳисобланади ва солиқ юқорида айтилган моддалар бўйича ундирилади.

И. Абзалованинг қайси қонун нормасига мувофиқ нотариал идора бошлиғини юридик шахс, деб ҳисоблаётганлиги эса ажабланарлидир.

Махсудбек Худойберганов 1960 йилнинг 1 январиди Хонка туманида туғилган. Муқаддам судланган. Урганч шаҳридаги «Ҳамкорлик аудит» аудиторлик фирмасида I тоифали аудитор. Мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш ва таъмагирлик (товламачилик) йўли билан пора олиш жиноятларини содир қилганликда айбланиди.

Бировни айбдор деб топиш осон эмас. Бунинг учун далил, исбот керак. М.Худойбергановга нисбатан Жиноят кодексининг 206-моддаси 1-қисми ва 210-моддаси 2-қисми «в» бандларига мувофиқ айблов эълон қилинишига ҳам қатор далиллар мажмуи асос бўлди.

М. Худойберганов ўз ваколатлари доирасида жойларда тафтиш ўтказар экан, кейинги вақтларда хато-камчиликларни фош қилса, бундан фойдаланиб, товламачилик эвазига ўзининг кам-қўстини тўғрилаш пайига тушди.

У «Ҳамкорлик-аудит» фирмаси бошлиғининг буйруғи асосида «Соғлом авлод учун» халқаро жамғармаси Хоразм вилоят бўлимида тафтиш ўтказишга жалб қилинди. Ҳужжатларни ўрганар экан, жамғармага қарашли «Соғлом авлод учун» кичик қорхонасидан Хива шаҳридаги «Соғлом авлод» фирмасига берилган 305660 сўмлик 560 қути «Трентал» дорисининг тақдирини аудитор диққатини тортиди. Суриштириб билдикки, фирма бу дорини аслида олмаган. Дори «Соғлом авлод учун» кичик қорхонаси таъминотчиси Хўшнудбек Жуманиезов зиммасида қайта баҳоланмасдан турибди. Х. Жуманиезов Хазорасп туманидаги «Ситора» фирмаси раҳбари вазифасида ҳам ишлайди.

ТАЪМАГИРНИНГ ЮГУРГАНИ ҚАМОҚХОНАГАЧА

Нималарнидир режалаштирган аудитор ушбу факт асосида Хива шаҳрига таққош усулида қарама-қарши текшириш ўтказишга борди.

— Сенинг ахволинг оғир-ку, қамаладиган бўлиб турибсан, — Даврон Отажоновга бошдан-оёқ разм соларкан, афтини бужмайтирди М.Худойберганов.

Узини «коррупциядан» деб таништирган бу йигитнинг дағдағаси «Соғлом авлод» фирмаси раҳбарини чўчатиб юборди. Унинг саросимасига тушганини кўрган Махсуд навбатдаги ҳужумга ўтди.

— Хўш, эни нима қиламиз, қамалиб кетаверасаним ё бошқа чора топасанми? — Сиз нима десангиз шу, — талвосиради Даврон.

— Қўлингга қоғоз олгинда ёз, сен дорини ўз вақтида ва тўлиқ олгансан. Давронбек тушунтириш хати билан кутулсам, ёзганим бўлсин деди-да, «коррупция» ходими айтганидай қилиб қоғоз қораласди.

Аудитор тилхатни чўнтағига жойлагач, энди мендан осонгина кўтилиб бўлсан, деган маънода кибор билан чиқиб кетди.

Шу-шу у Хивага серқатнов бўлиб қолди. Ҳар гал Д.Отажоновга иши прокуратурага ошаётгани ҳақида дағдаға қиларди.

— Сен Хўшнуд Жуманиезов билан ҳамтовохсан, — таъкидлади у. — Дориларни биргаликда йўқотиб юборгансизлар.

— Ахир, мен бу дориларни олмаганман-ку!

— Буни исботлаб кўр-чи. Ахир ўз қўлинг билан тушунтириш хати езиб бергансан-ку.

М.Худойберганов чўнтағидан хатни олиб кўрсатди-да яна жойига солиб қўйди.

— Энди нима қилишим керак? — бўшашиб сўради Даврон.

— 300 АҚШ долларини берсанг, ҳаммаси жойида бўлади.

Давроннинг қалағи учиб кетди. Аудитор эса «Соғлом авлод учун» жамғармасининг Хива бўлими бошлиғи Х.Матназаровга ҳам учраб, гоҳ кўнжироқ қилиб, Д.Отажоновнинг ахволи оғирлигини обдон тушунтирди.

Ҳап-сўзлардан ваҳимага тушган Давронбек нима қилишини билмай узоқ ўйланди.

Бир неча бор М.Худойберганов билан муроसा қилишга уриниб кўрди, наф бўлмади. Бу орада ёз ўтиб, куз кам келди. Октябр ойининг бошларида М.Худойберганов яна қистовга олавергач, Давронбек Урганчга, унинг ишончасига келди. Шундагина у билдикки, «коррупция» ходими аудитор экан. Аудитор бу сафар нарҳи пасайтирди.

— 200 АҚШ долларини 11 октябрь кўни соат 11.00 да Урганчдаги курантнинг тағига олиб келасан. Бу охириг музда!

Д.Отажонов бу сафар ҳам пулни олиб келмади. Ўзининг ишонувчанлигидан, содда-лигидан охир оқибатда бошига шўнча ташвиш сотиб олганидан афсусланди. М.Худойберганов шундан кейин ҳам уни тинч қўймагач, вилоят прокуратурасига мурожаат қилди. Унинг аризаси асосида тезкор гуруҳ тузилди.

Д.Отажонов келтирган пулларга кимёвий воситалар ёрдамида ишлов берилди. Фирма раҳбари билан М.Худойберганов Урганчдаги тунги ярмарка олдиди учрашишди.

— Пулни олиб келдингми? — секин сўради Махсуд, Даврон «ҳа» дегандек бош силкиди. Аудитор атрофга саросималик билан нигоҳ ташлаб олгач, «кетдик» деди.

— Қаерга?

— Бу ер вафли. Хонқага борамиз.

Биргаликда «Дамас» машинасига миниб, Хонқа туманига келишди.

— Ҳужжатларимни келтирддингми? — сўради Отажонов.

— Ҳозир олиб келаман.

Махсуд «Москвич» машинасига ўтирди-да, қаергадир кетди. Такси ҳайдовчисидан кўтиб туришни илтимос қилиб, амакиваччасининг уйига борди.

— Биттаси билан олди-бердимиз бор эди, сен шу пулни уйга олиб борсанг, — илтимос қилди амакиваччасидан. Амакивачча рози бўлгач, улар яна таксига ўтириб, Давроннинг ёнига қайтиб келишди.

— Энди пулни беравер, — деди Махсуд отиржам охганда.

У Даврондан пулни олиб амакиваччасига берди. Бироқ эҳтиёт чорасини ҳар қанча қўлласан, товламачи «хавф» дедди кўтулолмади. Д. Отажоновдан 150 миң сўм пулни пора тарикасида олаётган пайтда қўлга олинди. «Бузокнинг югургани сомонхонага» дейишди. Таъмагир аудиторнинг югургани ҳам қамоқхонагача бўлди. М. Худойберганов суд ҳукми билан жазага тортилди. Энди у балки иккинчи жазодан тўғри хулоса чиқариб олар...

Эркин ХУҲАЕВ,
Хоразм вилоят прокуратурасининг бўлим бошлиғи

УЧРАШУВ

Анджон вилоят прокуратура-си қонунбузарлик ва жиноятчи-ликка қарши курашиш ишига кенг жамоатчиликни жалб этиш мақсадида жойларда фаоллар иштирокида учрашувлар ўтказилди. Ана шундай тадбирлардан бири ақинда Олтинкул туманида бўлиб ўтди.

«БУТУН КУЧНИ ХАЛҚ ИЧИДАН ОЛАЙЛИК...»

Учрашувни кириш сўзи билан очган туман прокурори Н. Хомятов олтинқуллик қонун ҳимоячиларининг жамоатчилиги билан ҳамкорликда олиб бораётган ишлари хусусида қисқача тўхталиб ўтди.

Шундан сўнг вилоят прокурори У.Шамсиев сўзга чиқиб, туманда, умуман вилоятда юз бораётган ҳуқуқбузарлик ва жиноятларни келтириб чиқараётган собобларни таҳлил қилиб берди. Мазлум бўлишча, вилоят бўйича жиноятларнинг ярмидан ортиги ҳеч қерда ишлаб бораётган шайхлар томонидан содир этилган. Меҳнат ҳамда бандлик бошқарма, бўлимларида борча қорхона-ташкилотлар муайян миқдорда маблағ ўтказишди. Ишчиликни ҳал этиш механизмлари яратилган, бироқ улар амалда ишланмапти. Ишчиларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, янги иш ўринларини яратиш имкониятларидан аълори фойдаланилмапти.

Жиноятларнинг 11 фоизи муқаддам судланганлар томонидан содир қилинган. Давлат жазони ўтб келганларга нисбатан одилона муносабатда бўлиб, ижтимоий кўника-ма марказларини ташкил қилган. Бу марказларда собик маҳкумларга моддий ёрдам кўрсатилиши керак. Аммо бу борада назорат су-сайтириб юборилганлиги оқибати-да, муқаддам судланганлар томонидан тақрор жиноят содир этиш ҳоллари давом этмоқда.

Шунингдек, вилоят прокурори ўз нутқида воғва етмаганлар, оёқлар томонидан содир этилган жиноятларни бертараф этиш, ёшларни диний-экстремистик оқиғаларга қўшилиб қолишларининг олдини олишда жамоатчилик кучига таяниш лозимлигига алоҳида эътибор қаратди. Ҳар бир фуқаро, ҳар бир мансабдор шахс ўз бурчи, ўз вазифасини тўқис адо этиш, маъжуд муаммоларни ҳал этишда фаол қатнашиши зарурлигини ҳам таъкидлади.

Ингилишда иштирок этган вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари П.Луқмонов ҳам ўз нутқида ҳуқуқий таълим-тарбиянинг савия-сини ошириш, диний ақидапарст-ликини тағ-томири билан куриштиш учун уларга қарши соғлом фикр билан курашиш, ёшларга диний сохташатирилмаган, асл моҳияти-ни сингдириш зарурлигини уқти-риб, бу борадаги ўқув юртлири, меҳнат жамоалари, маҳалла фу-қаролар йиғинларининг вазифала-рини кўрсатиб ўтди.

Ингилиш қатнашчилари тадбир сўнгида тумандаги иқтисодийет колле-жа ва 1-ўрта мактабда Прези-дент фармони бўйича ташкил этил-ган Конституцияни ўрганиш каби-нетлари билан танишдилар.

И.ИБРОҲИМОВ,
«Ҳуқуқ» муҳбири



Суратда: Дўстлик тумани прокурорининг ёрдамчиси Баҳодир Тўхташев тумандаги иқтисодий болалар лицейи ўқувчилари билан учрашув ўтказмоқда.

• Ибратли умр

«ЁШЛАРГА ҲАВАСИМ

... Шох оти билан жарга қулади. Кўз очиб юмгунча қандайдир алпкелбат зот отнинг оёқларидан тугтиб йўлга чиқариб қўйди-да кўздан ғойиб бўлди. Ҳиндистон шохи воқеани мушоҳада қилолмай лол қолди.

Саройга қайтгач, тўрт томонга чопар юборди. Алп номини кўтарган борки чопиб келаверди. «Сизни кўтарган мен эдим», деб. Аммо уларнинг ҳеч бири шох минган отни кўтара олмади. Ниҳоят шохга хоразмлик полвон ҳақида хабар етди. Уни шох хузурига келтирдилар. Хоразмлик полвон отни бола опичла-гандай кўтариб олди. Шохнинг кўзлари порлади: «Бу ўша!». Полвонга адоқсиз мол-дунё ҳада эгдилар.

— Менга дунё керак эмас, — деди полвон. — Бир ҳўкиз терисига сиғадиган хоразмлик кўзларни оёқсиз қилсангиз, шу кифоя...

... Аҳмаддон ота Хивага ҳар ҳафта келиб турмас эриқади. Буюқлар юрти — Ичқалъани ҳар гал янгича завқ билан айлиб чиқади. Миноралардаги, мақбаралардаги ҳар битта нахш боблар қудратидан ҳикоя қилади, келажакка умид, яшашга завқ уйғотади. Айниса, Хиванинг белбоғи саналмиш Пахлавон Маҳмуд мақбарасига борар экан, бутун вужудини ўзгача ҳаяжон қамраб олади. Пири Комил мазорини зиёрат қилганича унга дилидагиларни тўкиб солади...

— Шогирдларимга ҳавасим келади, — Аҳмаддон ота чой ҳўлаганча хаёлга чўмади. — Биз ишлаган даврлар ғалати эди. Прокурор дегани партияннинг кўғирчоғи эди. Гоҳида советлар мамлакатида бўлиши мумкин эмас, деган ақида билан оғир жиноятлар рад қилинса, баъзида мана шу жиноят тури билан фалон киши жазога тортилсин деган буйруқ келарди. Қалбида гурури бор прокурор ҳам жиноятчиларга қарши, ҳам қорчалонлар жамиятига қарши курашиши керак бўларди. Бошқача айтганда, давлат ўз қонунларига риоя қилмасди, ашадди жиноятчи унинг ўзи эди. Одамлар мум тишлаб яшашга мажбур этилар, боқиб-ғаамлик, бефарқлик, масъулиятсизлик ўша замонлардан мерос. Бош-қача бўлиши мумкин эмасди. Бошни сал кўтарсангиз, кунда тайёр эди.

Мамлакатимизнинг қонунлари, Президентимиз фармонлари, Ва-зирлар Маҳкамаси қарорлари билан танишиб бораман. Уларда бирин-чи навбатда билимдонлик кўзга ташланади. Матбуотдаги муносабат-лар орқали биламанки, бизнинг Конституциямиз ҳам демократик меъёрларни, ҳам инсоний ҳис-туйғуларни, ҳам миллий қиёфамизни ўзида муҳасам этгани учун халқро ҳамжамият томонидан эътироф этилган.

Бироқ мени бир нарса қийнайди. Мана шу конституциямизни бирон марта ўқиб кўрмаган, ҳатто конституция нималигини билмайдиганлар ҳам бор. Биз уларга бефарқ қарамаслигимиз керак. Матбуот ва ойнаи жаҳонда кўпинча 8 декабрь арафасидагина конституция ҳақида кўплаб материаллар берилса бошлайди. Унда ҳам мактовдан нарига ўтмайми. Ваҳоланки, конституция ҳар кун тарғиб қилиниши керак. Мана, «Қонун ҳимоясида» журнали ҳар сонни муқовасида лоқал биттагина банди бериб борса, бу халқимизнинг хотирасида муҳрланиб қолиши

1

аниқ. Ойнаи жаҳон турли туман рекламалар беради. Улар қаторида конституциянинг бир банди ёки бирон қонуннинг бир банди бериб борилса, телетомошабинлар шунга ўрганганими? Албатта ўрганади. Юртбошимиз айтганларидек, шу азиз Ватан барчамизники. Демак, давлатимиз қонунларини ҳаммамиз ҳимоя қилишимиз, унга ҳаммамиз амал қилишимиз керак.

Прокуратура қонунлар ижросини назорат қилар экан, аввало, бу вазифани шараф билан, қолаверса масъулият, виждон, билим ва малака билан адо қилиши лозим.

Ҳар бир замоннинг даврга мос урф-одатлари билан бирга жиноят-лари ҳам бўлади. Жиноятнинг хавфлилик даражасига қараб малакали тергов олиб бориш, судларда қўриш, бу жараёнларда тезорликка эришиш, қаттиққўллик билан жазолаш жиноятнинг қамайишига хизмат қилади. Демак, бугуннинг прокурори сергак, билимдон бўлиши шарт. Шогирдларимда ҳам аввало ана шу хислатлар кўпроқ бўлишини истай-ман.

— Сизнингча бугунги даврга хос жиноятлар қайсилар ва уларга қарши қандай курашиш керак?

— Келинг, гапни сал узокдан бошлаймиз.

...Урганч шаҳар прокурори вазифасига тайинланганимда 12 та қотиллик, 80 та ўғирлик жинояти очилмай ётган эди. Нима қилишим керак? Ишни маҳаллалардаги қариялар билан маслаҳатлашишдан бошладим. Ҳар бир маҳаллада қонун ва жиноят мавзуларида суҳбатлар уюштирдик, очилмаётган жиноятлар ва уларнинг халққа, айнан ўша маҳаллага зарари ҳақида тушунтирдим. Ҳар кун кечаси ички ишлар бўлими ходимлари билан кўчаларни айланадиган бўлдим. Бемаҳал юрган қиз-жувон борми, йигит борми, тугтиб, ички ишлар бўлимига олиб келардик, суриштирдик. Бу ишларимизга кўпчилик қарши бўлди. Қилаётганларингиз прокурорлик ваколатига қирмайди, дейиш-ди. Йўлимдан қайтмадим. Ҳаракатларимиз бекор кетмади. Икки ой ичيدا ҳамма жиноятлар фош этилди, жиноятчилик кескин қамайди.

Хивада прокурор пайтимидаги бир воқеа ҳеч ёдимдан чиқмайди. Қаналдан янги тугилган чақалокнинг мурдасини топдик. Жиноят иши кўзгагандик, айрим раҳбарлар қарши чиқиди. «Хали бундай жиноят қайд қилинмаган, бу бизни обрўйимизни тўқади», дейишди. Жиноятнинг фош бўлишича, содир қилинган обрўйимизни тўқишини айтдим ва фикримдан қайтмадим. Ҳар бир маҳаллада, иш жойларида суриш-тирив олиб бордик, акушер-гинекологларни тергов қилдик. Булар асосида кўпгина енгил табиатли аёлларни анжқаб, эл-юрт олдида шарманда қилдик, жазога тортдик. Чақалокни ўлдирган аёлни топиб жазоладик.

Халқ билан иш олиб боришимиз натижасида Гурлан тумани проку-рори пайтимида 15 йилдан буён очилмай ётган жиноятни фош қилишга муваффақ бўлдик.

Мен бу мисолларни нимага келтиряпман? Ҳали айтганимдай, жи-ноятчиликка қарши курашда, қонунчиликни мустаҳкамлашда, аввало, халққа таяниш керак.

Бугунги кунда гиёҳвандлик энг кўп содир қилинаётган жиноятдир. Гиёҳвандликка муқкасидан кетган одам ўғирлик қилади, керак бўлса қотилликкача боради. Негаки, гиёҳванднинг манкуртдан фа-

2

МОҲИЯТ

Фуқароларнинг ўзаро бир-бирини назорат қилиши жиноятни бартараф этади.

О. Балзак

ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУҚАРРАР

Оллоберган одатдагидек навбатчиликдан чиқиб, уйига кириб борган ҳам эдики, хотини вайсай кетди. — Одамлар кеча-қундуз ухламай пул топишди. Сиз бўлсангиз сўппайиб юраверасиз. Нима, болачақаларингизни ўйламайсизми? Хотинининг ағчик сўзлари унинг бошига чўки билан ургандай бўлди. У аранг:

АНТИҚА ҚЎРИҚЧИ

— Ҳўп, хотинжон, ҳўп. Бир иложи топилар ахир, — деди. — Қўйинг-э! Ҳар кун шу гап: «иложи топилар, бўлиб қолар». Бир кун ишлайсиз-у, уч кун уйда чўзилиб ётасиз. Сиз ҳам бошқаларга ўшаб олди-сотди қилинг, ер олиб экинг. Маҳаллошларни кўрмаяп-сизми, ўтган йили ҳўжаликлардан ер олишганди. Бориб кўринг, уйлари донга тўлиб турибди. — Бўлди қилсанг-чи, иложи бўлар, ахир. — Оллоберган кўксини ёстиққа босганча жавоб қилди. Шу кун у кечаси билан ҳар хил хаёллар оғушида ухламай чқиди. Нима қилсин? Далага чиқиб ишлай деса бўйинининг йўғон томири тортишиб қолади. Осон эканми... Оллоберганнинг ўйлаб-ўйлаб

толгани гирт бемаза қовунинг уруғи бўлди. Навбатчиликда турганда бир «иш» қилсинки...

Одатдаги кунлардан бири. Атроф тун оғушида. Оллоберган бозор ичини яна айланган бўлди. Дўконлар қулфлоглик. «Қандай бўларкан» — яна миясида чарх урди шу фикр. «Қамалиб кетса-я». У пештахталардан бирининг ёнига келди. Умрида қилмаган иши. «Дадил

да икки-уч кун ўтди. Оллоберганнинг «касали» яна хуруж қилди. Энди йигит мена-сабзотлар со-тиладиган пештахталар томон йўл олди.

Ярим тун. Атроф жим-жит. У дўкон қулфини бузиб, қоғига қартошқа, пиёз жойлади...

М.Сапарова эрталаб савдо қилиш учун келганида, анча миқдордаги қартошқа, пиёзи йўқлигини пайқаб қолди.

Шундан кейин М.Сапарова О.Авезова билан учрашиб, ўғир-латган нарсаларини сўраш учун Оллоберганнинг уйига боришди. Улар не кўз билан кўрсинларки, ўғирланган маҳсулотлар кўрижанин-нинг уйда экан... Ҳар иккаласи дарҳол Ички ишлар бўлимига хабар қилишди. Шу тариха О.Бекиевнинг саргузаштларига чек қўйил-ди.

Суд О.Бекиевга жазо тайинлаш-да унинг ўз қилимишдан пушай-монлигини, биринчи мартаба суд-ланаётганлигини ва қарамоғида во-яга етмаган болалари борлигини эътиборга олди.

Суд-қў адолатли ҳукм чиқарди. Аммо бундан-да оғир ҳукм — ви-ждон ҳўми Оллоберганнинг боши-ни ҳам қилиб қўйди. Энди у бола-лари, хотини, маҳаллошларининг юзига қандай қарайди? Улар кечи-ришармикин?

Ж.ХАЙТБОВ,
Тўртқул тумани прокурорининг қатта ёрдамчиси.
Н.ОҚАЗАРОВ,
«Ҳуқуқ» муҳбири

КЕЛАДИ»

рки йўқ. Унинг «худоси» ҳам, «подшоҳи» ҳам наркотик. Гиёҳвандликка қарши курашда халқни оёққа тургазиш керак. Ахён-ахёнда маҳаллаларда номигагина ўтказилиб турладиган йиғилишлар ҳеч нарсани ўзгартиролмайди. Тадбирларни деярли ҳар ҳафтада ўтказиш, уларда қатнашиш мажбурий дея белгилаш керак. Бунда фақат қоғозга қараб маъруза қилиш эмас, жонли мулоқот ташкил қилиш зарур. Мутахассислар, керак бўлса, наشاءандларнинг ўзлари, улардан турилган ногирон болалар иштирок этишлари, наشاءандлик фожеасига нисбатан нафрат йўта билиш лозим. Ана шунда жиноятга қарши қонун ҳимоячиларига эмас, ҳамма курашади.

Ёшларнинг ҳар хил оқимларга қўшилиб кетиши, Ватанга хиёнат қилишгача бориши ҳам ўзимизнинг бепарволигимиз сабаб бўлди. Мени яна бир нарсга қўйиладди. Узун қулқоқ гапларга, матбуотда ёритиладиган кўпмақолаларга қараганда юртимизда енгил табиат аёллар сони анчайин кўпайган. Бунга ҳам сабаб бепарволик. Қадимда бундай аёллар билан муомала қилишга одамлар ор қилишган. Бугунчи?

Ахир биз ғурури, ориятли халқнинг фарзандларимиз-ку! Шаънини, қадр-қимматини ҳар нарсадан улуғ тутган инсонларнинг авлодларимиз-ку! Менимча, жиноятчиликка қарши курашни янада авж олдириш учун халқнинг ғурурини уйғотиш керак.

Жиноят бир қунда содир қилинганлиги билан аслида йиллар давомида туғилиб воға етади. Фақатгина ор-номус, виждон, меҳр-оқибат, илм-маърифат орқалигина жиноят устидан голиб келиш мумкин.

— **Жиноятчиликнинг олдini олишда мусиқанинг ҳам роли бор дейишди. Сиз бу фикрга қандай қарайсиз?**

— Албатта қўшиламан. Айтишларича, тангри шайтондан бандаларимни қандай йўлдан урасан, деб сўраганда «Мусиқа ёрдамида» деб жавоб қилганмиш. Қайсидир тарихий китобда ўқиганим яна бир воқеани айтиб берсам. Бир шахзода оғир хасталикка чалинади. Табибман деганининг барчасидан мадад сўрашади, бироқ шахзода тувалмайди. Аксинча бутунлай ҳолсизланиб боради. Ибн Сино шахзодани текшириб кўрғач, машшоқларни чорлаб куй чалиб беришларини сўрайди. Мусиқа салолари остида шахзодага қувват ана бошлайди. У кўзларини очади, ўрнидан кўзгалади. Иттифоқо машшоқлардан бири чалишда янглишиб кетади, натижада шахзода жон таслим қилади.

Бугун бемаза, савияси паст қўшиқлар ёшларимиз тарбиясини бузаётгани рост. Ёмон қўшиқ қалбни ўтмаслаштиради, кишини жаҳолатга етаклайди.

Ўзим мумтоз қўшиқларни тинглайман. Дўстлар даврасида қўйлаб ҳам тураман. Прокурорлик фаолиятида ҳам мусиқадан самарали фойдаланганман, жиноятчи билан сўхбатлашгач, албатта унга битта мумтоз мусиқа қўйиб берардим. Ўзим диққат билан унинг таъсирираниш даражасини кузатардим. Шунга қараб кўрсатмаларининг ёлгон, ростлигини ажратиб олардим. Гарчи кўпчиликини ажаблантирсада, бу тажрибам ҳеч қачон панд бермаган. Албатта, бу билан бошқа прокурор, терговчилар ҳам шундай қилишлари керак дедимки эмасман.

Аmmo қўшиқчиликни тартибга солиш тўғрисида жиддий бош қотирмас бўлмайди. Бугун аксарият ёшларимизга фақат енгил-

3

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ҳуқуқшунос Аҳмаджон Собиров ҳузурида

елпи қўшиқлар керак. Ваҳоланки, улар кўнгилнинг оқ жойларига етиб бормайди, натижада очик қолган жойларини жаҳолат эгаллай бошлайди. Шундай экан, балки қонуншуносларимиз қўшиқчилик, санъат масаласи билан шугулланиб кўришар? Фақат бемаза қўшиқлар эмас, беъмани фильмлар, олди-қочдилардан иборат китоблар ҳам кишини жаҳолатга ботиради. Демак, мутасаддилар бу ҳақда жиддий ўйлаб кўришлари керак.

— **Сиз ҳақинида гап кетганда, одамлар биринчи навбатда «Э, у киши хиваликларни Гдлян баласидан сақлаб қолган прокурор-ку» дейишди. Уша доврни яхши билганлар учун бу мўжизанинг ўзиниси. Сиз бунга қандай эришгансиз?**

— Ундай қунлар халқимиз бошига қайта тушмасин, ноҳақликка чидалмай қанча одамлар касалга чалинди, вафот этди, юрак жароҳатларини-ку таърифлаб бўлмайди.

Хивада Мадамин Маткаримов партия комитетининг биринчи котиби эди. Иккаламиз маслахатлашдик, тўхматларга кўр-кўрона бош қўшасак, эртага авлодларга нима деб жавоб берамиз, дедилар у киши. Мен жиноят ишларини Хива туманларо прокуратурасига олиб боришни сўрадим. Қисқаси, Мадамин ака иккаламиз гапни бир жойга қўйдик. Таъзиқларга, ҳақоратларга дуч келдик. Гдлянчилар насл-насабининг тайини йўқ енгилтабиат аёллардан устамонлик билан фойдаланишар, улар орқали кўнгли пок, эл-юрт учун хизмат қилаётган ҳалол инсонларнинг эстигини кўришарди. Биз уларга қарши қатъият билан кураш олиб бордик ва галаба қозондик. Мен Хива туманларо прокуратурасида Гдлян томонидан хивалик шахсга қўйилган насл-насабининг рад қилиб бўлмайдиган далиллар асосида бекор қилдим ва буни собиқ иттифоқ прокурори тасдиқлади.

Уша қунларни эсласам, бугунги мустақиллик замонага шўкроман ортади. Мустақилликнинг умри абадий бўлишини тилайман.

— **«Хуқуқ» муштарийларида тилақларингиз?**

— Аввало давлатни, унинг қонунларини ҳурмат қилайлик. Қолаверса, ҳар биримиз миллатни, Ватанини юксалтиришга озми-кўпми улуш қўшишга интилайлик. Атрофимизни, қалбимизни гулларга буркайлик. Ҳар бир ишда аҳдодаларимиздан ўрнак олайлик, уларга муносиб авлод бўлайлик, XXI аср эзгулик асри бўлсин.

30 йилдан зиёд прокуратура тизимида самарали фаолият кўрсатган, собиқ иттифоқ қорналонлари қарши матонат ва қатъият билан курашган устоз прокурор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист Аҳмаджон Собиров билан узок сўхбатлашдик. Дарвоқе, у киши нафақат прокурор ва мусиқашунос, улкан бобдон ҳамдир. Аҳмаджон отанинг ўнлаб боғзорлари-гулзорлари Ҳоразм жамолига холдай ярашиб, элнинг баҳри дилини яйратиб турибди.

— Эшигининг олдида бир туپ гул, бир туپ мевали дарахт эмаган одам жамиятнинг, табиатнинг, эзугликнинг душмандидир, - дейди у киши. — Жиноятчилар ҳам шундайлардан чиқади. Гўзалликка ошфта қалб фақат яхшилик қилади. Илоҳо дунёда яхшилик илдиз отиб, ёмонликнинг пайи қирқилаверсин.

Мухаббат ТҮРАБОЕВА, журналист

4

ҚИЛИМИШ - ҚИЛИРМИШ

САЁҚ ЮРГАН...

Халқимизда «саёқ юрган, таёқ ейди», деган нақл бор. Буни унутиб қўйган одам ҳар қадамда панд еб қолиши мумкин. Кейинги пўшаймондан эса, фойда бўлмайди. Қашқадарёлик ўспирин Ўқтам Абдуллаевнинг ҳам боши деворга урилгач, аттан деб қолди.

У Шахрисабз шаҳрида истиқомат қилаётган отанасининг иссиққина бағридан чиқиб, ҳаё-хут дея Тошкентга қараб йўл олди. Ҳеч кимни огоҳлантирмай, ўзига шерик қилиб қариндоши С.Абдуллаевни ҳам эргаштириб олди.

Улар бир амаллаб Тошкентга етиб келишди. Ўн кун давомида дуч келган жойда тунаб юрдилар. Бундай таралла бедод қилди, кўча санғишларнинг оқибати одатдагидек уларни ўғирлик қилишга ундади. Ў. Абдуллаев Шайхонтохур туманидаги «Ер ости муҳандислик колледжлари» бошқармаси биноси деразасидан ошиб тушиб, ўғирлик қилаётган пайтда кўлга тушди.

Тошкент шаҳар Шайхонтохур туман суди томонидан Ў.Абдуллаевнинг содир этган жиноят иши атрофликка ўрганиб чиқилди. Гувоҳлар ва далилий ашёлар ёрдамида у қилган ўғирлик ўз исботини топди ва судланувчи қилмишига яраша жазосини олди.

Б. ЙИГИТАЛИЕВ, Шайхонтохур тумани прокурори ёрдамчиси

ЗАҲРИҚОТИГА ЙЎЛ ЙЎҚ!

ГЕРОИНФУРУШЛАР

Саёҳат шундай бошланди. Уратепа шаҳридаги машҳур бозорда тинчгина ҳаммоллик қилиб юрган Муроджон қутилмаганда Тошкентнинг Чорсу бозорини кўргиси келиб қолди. Ун етти ёшли йигитчани тушунса бўлади. Ҳа энди, «сабзамўйловли» паллада қутилмаган саргузаштларга ишқибозлик кучли бўлади. Муроджонга қчин қариндоши Рустам ҳам шерик бўлди-да, йўл юрса ҳам мўл юришиб, Шарқобод маскани (Сирдарё вилояти Ховос туманидаги божхона پوستи)га етиб келишиди.

Минг афсуски, уларнинг саёҳати шу ерда туғди...

Божхона назирлари томонидан уларга тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилаётганда бу «бўйдоқ» йигитчаларнинг ўз бахтларини излаб бекорга чиқишмаганлиги уларнинг ўзларини тутишларидан аён бўлди. Муроджон ҳам, Рустамжон ҳам шубҳали ҳаракат қила бошладди. Назирлар қаттиқроқ текшириб кўришга киришишди. Натижада...

Йигитларнинг иккаласи ҳам янги пойёфзал кийиб олишганди. Назирлар туфлиларни текшира бошлаганда Муроджонни қалтироқ босди. Гувоҳлар кўз олдига унинг туфлиси товон қисмига тикилган бигиз учига оқ рангли усмоним модда илашиб чиқди. Туфлининг ичкари қисмидаги патаги кўтарилганда махсус тайёрланган қорваксимон товонда целлофан пакетга жойлашган героин чиқди. Худди шундай ҳолат

Рустамнинг туфлиси билан ҳам содир бўлди. Ўнлаб қўрилганда ҳар иккала йигит салкам 1 килограмм героинни олиб ўтишаётган экан. Худди шу ерда Муроджон «Маҳмуд ҳақида афсона» деб аташимиз мумкин бўлган жон сақлаш учун «қузир»ни илгари сурди.

Эмишқи, тинчгина аравақашлик қилиб юрган Муроджон Маҳмуд исмли зот билан танишиб қолади. У зот кўли узун «пирни бадавлат» ҳазрати олийлари бўлгани учун Муроджон ва Рустамжонларга ўз хомийлик қўлини узатади. Уларнинг ҳар иккаласини бошдан-оёқ «сарпо» билан таъминлайди. Оёқларидаги ўша «ИЕРДА» русумли туфлиларни ҳам у совға қилган. Кейин эса Мурод ва Рустам Тошкентнинг Чорсу бозорига боришлари лозимлиги, у ерда Маҳмуддек суянқичларининг ўзлари кутиб олиши ва йигитларни иш билан таъминлаши келишиб олинади.

Лекин бу афсона суд жараёнида ўз исботини топмади. Муроджон ва Рустам Каримовлар Ўзбекистон Жиноят кодексининг 246-моддаси 2-қисми 25-275-моддаси билан айбдор деб топилдилар ва (Амнистия йўлланбиди) Муроджон 6 йил, Рустам эса 12 йил «қатта ер» билан хайрландилар.

Ўткир ХУДОЙКУЛОВ, Сирдарё вилоят прокурорининг ёрдамчиси

ҚОНУН БАРЧАГА БАРОБАР

■ Хуқуқ-тартибот идораларида ишлаш — кўнгилга келган ҳар қандай номаъқулчиликни қилавериш мумкин, дегани эмас. Аксинча, шу касбни танлаган, Ватанига, халқига сидқидилдан хизмат қилишга қасамёд қилиб, эл-нига мундир қилган одам ҳар бир масалада етти ўлчаб бир кесили, ўз зиммасидаги масъулиятини ўзгаларга нисбатан тўрт-беш қарра кўпроқ ҳис қилиши лозим. Қолаверса, уларнинг бурчи, вазифаси шуни тақазо қилади.

Афсуски, шולי қурмакисиз бўлмаганидек, хуқуқ-тартибот идоралари ходимлари орасида ҳам ўз бурчи, масъулиятини унутиб қўяётганлар йўқ эмас. Республика ДАН бошқармаси ревизор-инспектори Аблемит Аллабердиев ана шундайлардан бири экан. Акс ҳолда у ҳеч қандай ҳужжатсиз, ўзига тегишли бўлмаган енгил автоматшанин маст холлатда бошқариб бир инсоннинг ҳаётига зомин бўлмаган ва икки кишига тан жароҳати етказмаган бўларди. Агар у ўз инсонийлик қиёфасини шу қадар йўқотмаганда фалокат жойидан қочиб кетмаган, жабрланувчиларни шифохонага вақтида олиб бориб, бир беғуноҳ инсон ҳаётини балки сақлаб қолган бўларди. Афсуски бундай бўлмади.

А.Аллабердиев ўзига ҳаддан зиёд эрк бериб юборгани оқибатида бир вақтинг ўзи-да бир эмас, бир нечта жиноят содир қилди. Бунинг усти-

Шу ўринда ҳқкм ўқилиб, адолат қарор топди дея кифояланиш мумкин эди. Лекин бу жиноятнинг келиб чиқиш сабаблари, маънавий ва ахлоқий жиҳатлари борки, улардан кўз юмиб бўлмайди. А.Аллабердиевнинг нуфузли идорада масъул лавозимда ишлаш туриб, ҳалол, виждонан меҳнат қилаётган минглаб ҳам-

ИНСПЕКТОР ЖАЗОЛАНДИ

га у тергов ва суд жараёнида Юнусобод туманидаги О.Зокиров кўчасидан автомашина бошқариб кетаётган пайтда одамларни эмас, улар етаклаб кетаётган итни босиб кетгани ҳақида кўрсатма бериб, ўзини оқлаш учун минг хил ваҳ-қарсон кўрсатди. Бироқ унинг қилган жинояти гувоҳлар ҳамда инкор этиб бўлмай диган далилий ашёлар ёрдамида ўз исботини топди.

Юнусобод туман суди ҳқкми билан А.Аллабердиев қилмишига яраша жазоланди, яъни узок муддатга озодликдан маҳрум этилди.

касбларининг номига доғ туширгани гоят ачинарлидир. Бу ҳодиса барча хуқуқ-тартибот ходимларига жиддий сабоқ бўлиши лозим. Кадрларни танлаш, тарбиялаш ва жой-жойига қўйишга алоҳида эътибор бериш ҳамда бу борада шомма-шошарликка, хатога йўл қўйиш қимматга тушишини асло унутмаслик керак.

Зокир ХУДОЙБЕРДИЕВ, Юнусобод туман прокуратураси қатта терговчиси, Абдухошим МАДАТОВ, журналист

ХУҚУҚИЙ

Маслаҳатхона

САВОЛЛАР ЖАВОБЛАР

Тиббий муассасада оддий врач бўлиб ишловчи ходим бўлишга бошқилиқ этиб тайинланганида унга синов мuddати белгиланиши ҳамда, хошим ушбу даврда маълум бир вақт ишлаганидан кейин синовдан ўтмаганлиги учун меҳнат шартномаси бекор қилиниши мумкинми? Иккинчи саволим, синов мuddати давомида ходим касал бўлиб қолса, ишга чиқа олмаган даври ҳам ҳисобга кирадими?

Ш. МАМАЖОНОВ,
Тошкент вилояти

жавоб

Маълум бир корхона, муассаса ёки ташкилотда ишлаб келаётган ходимни эгаллаб турган вазифасидан бирмунча мазъулияти ва юқори маош тўланганидан ишга ўтказилиши муносабати билан уни янги иш жойида лойиқ ёки нолойиқлигини синов кўриш учун синов мuddати қўйилиши мумкин эмас. Сабаби, Меҳнат кодексининг 84-моддасига мувофиқ, синов мuddати фақатгина ишга янги қабул қилинаётган ходимларга нисбатан қўлланилади.

Сиз айтиб ўтган ҳолат бўйича меҳнат шартномаси бекор қилинган тақдирда судга мурожаат этиш лозим.

Синов мuddати давомида ходим вақтинча меҳнатга қобилиятсиз бўлганда ва бошқа узрли сабабларга кўра ишга чиқа олмаса, бу давр ҳисобга киритилмайди. Шунингдек, ҳарбий йиғинларга қақриланлик, дастлабки тергов ёки суд органларига гувоҳ, жабрланувчи, холис, эксперт, мутахассис, таржимон сифатида қақрилиш, ўқув таътили, ҳақ тўланмайдиган таътиллр ҳам узрли сабабларга киради.

Ана шу сабаблар туфайли меҳнат муносабатларидаги узиллишлар туфайли синов мuddати узайтирилиши мумкин. Лекин синовнинг умумий мuddати қонунда белгиланган 3 ойдан ошиб кетмаслиги керак.

Қайсибир тоифадаги ишлайётган пенсионерларга 100 фоиз миқдорда нафақа тўлаиши керак экан. Ушбу тоифага қимлар киради?

З. ОРТИКОВ,
Бектемир тумани

жавоб

Ҳақиқатан ҳам бундай тартиб мавжуд, лекин у маълум бир тоифадагилар учун белгиланган эмас. Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот ва Меҳнат вазирлиқларининг 1996 йил 30 апрель кунги 669/5 ва 202/04-01 сонли қўшма хатларига асосан, икки ой мuddат давомида ишлайётган пенсионерларга 100 фоиз миқдорда пенсия тўлаш шarti билан меҳнат шартномаси фақат икки ой мuddатгагина (маълум ишни бажариш ва ҳок.) имзоланади, холос. Агар пенсионер икки ойдан кейин ҳам фаолиятини давом эттириш истагини билдирса, мuddатли меҳнат шартномаси бекор қилиниб, янги шартнома имзоланиши лозим.

Агарда икки ойга тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинмай, томонлар ўртасида меҳнат муносабатлари давом этверса, шартнома номуайян мuddатга тузилган ҳисобланади ва икки ойдан ортиқ тўланган 100 фоиз пенсия ортиқча тўланган, деб топилади.

Агар бирон-бир шахс тасодифан жиноят содир этиб қўйса ва у суд ҳукми билан озоодликдан маҳрум этилса, унинг вояга етмаган фарзандлари ҳамда мол-мулкнинг тақдирини ишга бўлади? Суд ушбу ҳолатларни ҳисобга олиб, айбдорга озоодликдан маҳрум этиш жазосини тайинлаш маслиги мумкинми?

О. КАРИМБЕРДИЕВ,
Қашқадарё вилояти

жавоб

Суд ишни кўриб чиқиб жазо турини белгилашда содир этилган жиноятнинг хусусияти, ижтимоий ҳавфлилик даражаси, унинг оқибатида етказилган зарар ва айбни оғирлаштирувчи ҳамда енгиллаштирувчи ҳолатларини ҳисобга олиб, тайинланаётган жазо турининг шахсни жамиятга қайтаришдаги таъсир даражасини инобатга олади.

Агар озоодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахснинг вояга етмаган фарзандлари, қари ота-онаси ва қарамоғида қаровсиз ҳамда ердამга муҳтож шахслар бўлса, суд айблов ҳукминини чиқаришда уларни қариндошлари ёки бошқа яқин шахсларга топшириши, бундай шахслар ҳам бўлмаса (ёки уларга қараш имкониятига эга бўлмасалар) уларни турган жойдаги васийлик, ҳомиёлик органларига топширилиши тўғрисида ажрим чиқаради.

Судланувчининг мол-мулки ва турар-жойини кўриқлаш чораларини кўриш зарурлиги тўғрисида эса суд тегишли ҳокимлик ёки ўзини ўзи бошқариш органига хабар қилади.

Турмуш ўртоғим 1999 йил январь ойида ўз ихтиёри билан икки нафар фарзандимизни олиб уйдан чиқиб кетиб, ҳозиргача акасининг уйида яшаб келаяпти. У ушбу ўтган давр (22 ой) учун мендан алимент тўлаиши талаб қилиши мумкинми? Бунда давлат божини ким тўлайди?


Ш. КАРИМОВ,
Богдод тумани

жавоб

Вояга етмаган, меҳнатга қобилиятсиз фарзандлар учун ота-она таъминот бериши шарт. Ана шу қонун талабидан келиб чиққан ҳолда ота-онанинг болаларга таъминот бериш мажбурияти ихтиёрий равишда ёки мажбурий тарзда суд томонидан юклатилиши мумкин.

Агар эр-хотин ўртасида алимент тўлаш тўғрисида ихтиёрий келишув бўлмаса, алимент олиш ҳуқуқига эга бўлган шахс бу ҳуқуқ вужудга келган пайтдан қанча вақт ўтганидан қатъий назар, хоҳлаган пайтда алимент ундириш тўғрисида судга мурожаат этиши мумкин.

Алимент олиш ҳуқуқига эга бўлган шахс (эр ёки хотин) ўтган давр мубайнида алиментни бирон бир сабабга кўра олмаганлигини кўрсатиб, уни ундириб беришни талаб қилса, суд иш ҳолатларига қараб ўтган вақт учун, аммо уч йилдан ортиқ бўлмаган мuddатга алимент ундириб бериши мумкин.



Суратда: Навоий вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси Ибодулла Жумаев тиббиёт билим юрти талабалари ҳузурида.

Мен 1999 йил январь ойида Республика клиник касалхонасининг №1 реанимация бўлимига ётқизилган 82 ёшли Анна Горюстаевага касалхона бўлими бошлиғи ва бемор илтимосига кўра, қарай бошладим. Унинг ҳеч қим йўқлиги аниқлангандан кейин, бемор шифохонага ётқизилганлиги ҳақида участка нозирини ва Чилонзор тумани ИИБга хабар берилди. А. Горюстаеванинг яқинларидан, маҳалла қўмитасидан, қўни-қўшинларидан ҳеч қим излаб келгани йўқ. Мен уни керакли дори-дармонлар, озиқ-овқатлар билан таъминлаб турдим. 2 февраль кунини беморнинг аҳоли яшилгангач, ҳамширалар, қўни-қўшинлар, участка нозирини гувоҳлигида уни уйига олиб бордим. А. Горюстаева Менга уй-жойини мерос қолдиришини айтди. 7 февраль кунини Чилонзор туманидаги 4-сонли нотариал идора ходими У. Собиров уйга таклиф қилинди ва мерос қолдириш ҳақидаги ҳужжат расмийлаштирилди. Ҳужжатга А. Горюстаева ўзи қўли яхши ишлаганига сабабли, унинг илтимосига кўра яқин қўшини Ф. Ходжаев имзо чекди. Шу ойда кампирни боқиш учун қарамоғимга олганлигимни расмийлаштириш мақсадида Чилонзор тумани ҳокимиятига, тумани ижтимоий таъминот бўлимига мурожаат қилдим. Уларнинг бу ишни бир-бирига солишлари билан 6 ой вақт ўтди. Бу орада А. Горюстаеванинг аҳоли оғирлашди. Турли шифокорларга кўрсатдим. 1999 йил 7 август кунини кампир оладан ўтди. Шу кунини барча қўни-қўшинлар гувоҳлигида, удуларига риюя қилиб дафн этдим.

А. Горюстаева Чилонзор тумани, Дўмбробод мавзеси, Таловихин кўчаси 69-уйда 1953 йилдан бери яшаб келган. (Лекин ҳовли-жой 1988 йилда (снос) ишчилик рўйхатида тўшаган экан). Уй ўзбошимчалик билан қурилган, деб топилган бўлсада, лекин унинг режалари, уй дастурлари мавжуд. Режада А. Горюстаева фойдаланувчи деб белгиланган. Марҳум вафот этганидан сўнг 6 ой ўтгач, Тошкент шаҳар 1-нотариал идорасига унинг уй-жойини меннинг номимга ўтказиб беришни сўраб мурожаат этдим. Аммо идора ходимлари бунга ҳеч қандай ҳақ-ҳуқуқим йўқлигини айтишди. Менда эса меросга эга бўлиш ҳақидаги барча ҳужжатлар бор. Мен тоқоридида ҳолатлар бўйича мерос ҳуқуқидан фойдаланишим мумкинми?

Г. ХУДОЙБЕРГАНОВА, Тошкент шаҳри

Тахририят ушбу хат юзасидан Тошкент шаҳар ҳокимиятининг адлия бошқармаси бошлиғи Ш. Якубонова имзоси билан куйидаги жавоб хатини олди:

Тошкент шаҳар адлия бошқармаси томонидан Фуқаро Г.А. Худайберганаевнинг А.А. Горюстаевадан қолган Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Дўмбробод мавзеси, Таловихин кўчасида жойлашган 69-уй-жойга васиятнома бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома берилишини сўраб ёзган аризаси кўриб чиқилди.

«Нотариал идораларда нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисида»ги қўлланмага асосан, агар мерос мулки таркибига уй-жой, квартира ва бошқа кўчмас мулклар кирган бўлса, давлат нотариуси ушбу кўчмас мулкни мерос қолдирувчига тегишлилигини тасдиқловчи эгалик ҳуқуқини белгилувчи ҳужжатни талаб қилади.

Фуқаро Г.А. Худайберганаева эса мерос бўлиб қолган юқоридидаги уй-жой ўзбошимчалик билан қурилганлиги учун нотариал идорага ушбу уйга А.А. Горюстаеванинг эгалик ҳуқуқини белгилувчи ҳужжатни тақдим этмаган. Шу сабабли, унга уй-жойга васиятнома бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома берилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 212-моддасига асосан, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қурилиш мақсадлари учун ажратилмаган ер участкаларида зарур рухсатнома олмастан қурилган уй-жойлар ўзбошимчалик билан қурилган иморат ҳисобланади. Ўзбошимчалик билан иморат қурган шахс унга мулк ҳуқуқини ололмайди. Бу шахс қурган иморатнинг тасарруф этишга ҳақли эмас.

Шахс ўзига қарашли бўлмаган ер участкасида ўзбошимчалик билан иморат қурган бўлса, унинг ҳамда ушбу иморатдан фойдаланаётган шахснинг бу уй-жойга нисбатан мулк ҳуқуқини суд томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ эътироф этилиши мумкин.

Юқоридида қайд этилган ҳолатларни инобатга олган ҳолда ва амалдаги қонун ҳужжатларига асосан Г.А. Худайберганаева қонунда белгиланган тартибда судга мурожаат этиши мумкин.

Фойдаланилмаётган, умуман яроқсиз ҳолатдаги автомобилдан ҳам солиқ олинаверадими?

М.ЗОКИРОВ,
Поп тумани

жавоб

Транспорт воситалари учун ундирилган мулк солиғи уларни рўйхатга олувчи давлат органлари томонидан двигател қуввати - от кучидан келиб чиқиб бериладиган ҳужжат асосида ҳисобланади. Фойдаланаётган транспорт воситаларининг эгаларидан солиқ умумий тартибда ундирилади. Яроқсиз ҳолдаги автомобильга солиқ тўламаслик учун маъмур техника воситаси давлат автомобиль назорати инспекцияси рўйхатидан чиқарилиши керак.

СУД ОЧЕРКИ

ВИЛОЯТ прокуратурасининг жиноятларни тергов қилиш бўлими хонасида икки ходим - бўлим бошлиғи Абдуғаффор Мирзаев ва Булоқбоши туман прокурори Илхомжон Хусанов бир воқеа устида чуқур ўйга толиб ўтирарди. Абдуғаффорнинг бу бўлимга ўтганига ҳеч қанча вақт бўлгани йўқ. Унинг синчковлиги, чуқур мулоҳаза билан иш юрийтиши, баъзиларга ўхшаб оёқ чарчатиб у ёқдан бу ёққа югуриш ўрнига ишхонасида ўтириб, бош қотириши ва бир тўхтамага келса, ҳаммани ишга солиб, ўзи ҳам кеча-ю кундуз каттиқ урилиб, оғир жиноятларни қисқа муддатда очши вилоят прокурори У.Шамсиевга ёқиб қолган. Асли қишлоқда электр монтери бўлиб ишлаб, кўпроқ жисмоний меҳнат билан шуғуллангани учунми, жуссаси кичик, қотмадан келган, доимо жиддий юрадагилар бу йигитни кўрганлар уни тергов бўлими бошлиғи эмас, бирор тажмава хўжалигининг иш бошқарувчиси ёки агроном деб ўйларди. Оддий, покиза, дазмолланган уст-бошда юрарди.

— Борди-ю, чол-кампири бошқа қариндош-уруғларидан суриштирсак-чи? - деди Абдуғаффор.

— Чол-кампирининг бошқа яқин қариндош-уруғлари йўқ. Энг яқини Жалолободда. Бу бир, иккинчидан, қариндошлариникида бир йил қолиб кетиши ақлга сизмайди. Учунчидан, бир тасодиф бўлиб, ҳар иккови ўлган ёки ўлдирилган ҳам дейлик. У ҳолда жасадлари ҳақида маълумот келарди. Мени айтиди дерсиз, уларнинг жасадлари ўз кўргонидан чиқади!

— Наҳотки, ўғил ўз ота-онасини ўлдирса?! Бу ақлга сизмайди. Нима учун бундай қатъий фикрга келдингиз? Асослаб бера оласизми?

Абдуғаффор тугмачани босиб, вилоят прокуратурасининг алоҳида муҳим ишлар бўйича терговчиси Ойбек Каримовни чақирди. Кенг елкали, чеҳраси очик Ойбек хонага кириб, «катталар» билан саломлашди.

— Утиринг, — деди, Абдуғаффор, — гап бундай. Бир йил аввал чол-кампири ўрмон ва Бахрихон Пўлатовлар 1997 йил 15 март кунни Жалолободга, отамизникига бориб келамиз, деб чиқиб кетганча қайтиб келмаганлар. Улар билан бирга яшаган ўғиллари Ҳосил Пўлатов ота-онасини қидириб, Жалолободга бориб келган. Чол-кампирининг Жалолободга бормагани аниқланган. Шундан сўнг Ҳосил ота-онасини қидириб топишни сўраб, Ички ишлар бўлимига ариза берган. Ушбу факт юзасидан туман прокуратураси терговчиси Қобилжон Мамажонов текшириш олиб бориб, жиноий иш кўзгатишни рад этган.

Прокүрор Ҳасановга ишора қилиб, фикрини давом эттирди:

— Бу қарор билан келишилмаган ва 1998 йил 12 май кунни ушбу факт юзасидан Жиноят кодексининг 97-моддаси 1-қисми билан жиноий иш кўзгатишган. Шу ҳолатда ишни бизга олиб келган. Мана ўша иш. Чол-кампирининг ортика боилликлари бўлмаган, табиийки, пулларини ўзлари билан олиб юрмайдилар. Бинобарин, қандайдир бир сабаб билан ўз яқинлари, масалан, ўғли Ҳосил томонидан ўлдирилмаганимиз деган гуноҳ тугуляпти. Сизга ўргатишнинг ҳоҷати бўлмаса керак. Ишни олиб, терговга киришинг.

ВАҚТ алламаҳал бўлиб қолган. Шаҳарда катнов, шовкин-сурон тинган. Вилоят прокуратурасида фақат учта хона — навбатчи милиционер, навбатчи прокурор ва бош терговчи Ойбек Каримовнинг хоналаридан ёруғ тушиб турибди. Ойбек ўзи тўплаган далилларни яна бир қарра ўқиб таҳлил қилмоқда. «Ҳосилнинг ота-онаси билан алоқаси жуда ёмон, - деб кўрғазма беради ИИБ ходими Маллабоев Абдусалом. — 1994 йил 7 сентябрь кунни менга Пўлатова Бахрихонни келини Пўлатова Меҳмоноий урганлиги ҳақида ариза топширилди. Пўлатова Меҳмоноий ҳам, Бахрихон ҳам суд-табиий экспертизасининг хулосасига кўра соғлиғи бузиларли даражада энгил тан жароҳати олганликлари маълум бўлди.

Текширишдан маълум бўлдики, қайнона-келин Бахрихон ва Меҳмоноийлар ўзаро жанжаллашиб, бир бирининг сочларидан тор-

таётган вақтда хонага Ҳосил кириб қолган ва ҳар иккисини ҳам урган. Она ўз ўғли устидан шикоят қилишга орлинди, «мени келиним урди», деб нотўғри ариза ёзгани маълум бўлди. Қайнона-келин ва Ҳосил бир-биридан кеҳирим сўраганлари сабабли ушбу факт юзасидан жиноий иш кўзгатиш рад этилиб, ўртоқлик судига берилган...».

Ҳосилнинг укаси Пўлатов Ҳайитбекнинг кўрғазмасидан:

«Акам жуда кўп ичади, бирон жойда ишламайди. Ёз ойларида тоғдан тош кўчириб сотади ва пулини ичкиликка сарфлайди. Шу сабабли аввалги хотини кетиб қолган. Меҳмоноий иккинчи хотини. Отам уни ичкиликдан қайтаришга кўп уринди. Насихат қилди, каттиқроқ гапирса, отамни ҳам тутиб урди. Опамни ҳам урган. Аммо ота-онам номус қилиб унинг устидан шикоят қилмадилар. Ота-онам Жалолободга, синглим Пўлатова Қаноатхонниқига бормаганлар, сабаби уч кун аввал улар синглиминикига бориб келган эдилар. Иккинчидан, агар Жалолободга бормоқчи бўлсалар, қўйларга қараб туришни сўраб қўшиларга айтган бўлар эдилар».

Пўлатова Қаноатхоннинг кўрғазмасидан:



«1997 йил 21 март — «Наврўз» байрами муносабати билан ота-онамин кўргани келсам, уйда ота-онам ва Ҳосилбек йўқ экан. Улар қани десам, келинимиз Меҳмоноий: Ота-онамиз 16 март кунни Жалолободга акамларни кўргани кетган эканлар. Келмаганлари сабабли акангиз уларни олиб келгани Жалолободга кетдилар деди. Шу орада акам Ҳосил кириб келиб отам ҳам, онам ҳам Жалолободга бормапти, деб йиғлаб бошлади. Унга қўшилиб Меҳмоноий ҳам йиғлади».

Ойбек қоғоздан бошини кўтариб, бир нуктага тикилганча ўйланг қолди. Хўп, ота-онасини Ҳосил ўлдирган ҳам дейлик. Нима учун? Улимликларига асраб қўйган пулларни олиш учунми? Ёки хотини тарафини олиб, улардан кутулиш учунми? Агар ўлдирган бўлса, қаерда ўлдирган бўлиши мумкин? Албатта уйда ўлдиради. У ҳолда жасадлари қани? Нега ИИБга ариза берган? Жиноятни яшириш учунми? Энди нима қилиш керак? Ҳосилнинг уйда тинтув ўтказишга асос бўрми? Бор! Демак, тинтув ўтказиш лозим! Ажаб эмаски, жиноятни очишга ёрдам берадиган биронта из топилса...

ТЕРГОВЧИ холислар иштирокида Пўлатовлар хонадонига кириб келганда айвонда макка сўталарини қолга жойлаётган Ҳосил ўрнидан турди-ю, терговчига тикилганча тошдай қотиб қолди. Гўё тили танглайга ёпишиб қолгандай саломга жавоб ҳам қайтара олмади.

— Нима бўлди, Ҳосилбек, саломга алик ҳам олмайсиз? Е тобингиз қонганми?

Ҳосил худди гунг одамдай терговчига тикилар, аммо лом-ним демасди.

— Соғмисиз, деяпман? Кулогингиз оғир эмасми?

— Соғман, соғман, қулоқ яқши.

— Бўлмаса қулоқ солинг. Уйингизда тинтув ўтказамиз.

— Султонов Жасурбек, Исоқов Азизулло - холислар.

Ҳосил гапнинг давомини эшитмади. Ранги доқадай оқариб, касал одамдай гандираклаб, йиқилиб тўшмаслик учун ўрнига ўтириб олди.

— Розимисиз деяпман?

— Розиман, майли. Тинтув бўлса яна яқши.

Дастлаб чол-кампири яшайдиган хона кўздан кечирилди. Хонада сандик, унинг устида уй-тўртта кўрпа, ёстиқлар, ерга шолча солинган. Бошқа ҳеч нарса йўқ. Ойбек шолчани олиб ташлаб полни жуда диққат билан кўздан кечирди. Ниҳоят, уйнинг бурчагида тирноқдай, қорамтир, қотиб қолган нарасага кўзи тушди. Қон! Қотиб қолган қон бу!

— Бу нима? — қотган нарсани қоғозга солиб муҳрлар экан, сўради Ҳосилдан терговчи.

— Буми? Бу... ҳа, бўлди, мушук шу жойда сичқон ушлаб еган бўлса, қони қолгандирда.

— Довдирамасдан, ўйлаб жавоб берин! - деди эшик тағида биласини кўтариб турган хотини Меҳмоноий. - мушугимизни ўлганга бир йил бўлди!

— Демак, хотини иштирокчи эмас, дея кўнглидан ўтказди Ойбек.

— Эртага соат унда прокуратурага борасиз! Тушунарлими?

Ҳосил кўрғоннинг ўртасига, сабзи экилган жойга тикилиб туриб зўрға: «Бораман» - деди, холос.

ОЙБЕК Каримов гуноҳдор Ҳосил Пўлатовни сўроқ қилишга пухта тайёрланди. Тўғри, далиллар етарли бўлмаса-да, уни сўроққа тутишдан олдин ўзи ўйлаб қўйган психологик усуллни қўллади. Ҳосилнинг отаси ўрмонбек билан онаси Баҳри аяларнинг никоҳ тўйларига тушган суратни стол устига тахланган китобларга сўяб қўйди. Ҳосил кириб келиб терговчи кўрсатган сўлга - расминг рўпарасига ўтирди ва расмга бирпас қараб туриб, ўпкаси тўлиб йиғлашга тушди. Ойбек унга таскин бермади. Юпатмади.

— Отажон, онажон, қайдасизлар, юрагим эзилиб кетди-ку!

— Ота-онангизнинг қайдалигини ўзингиз биласиз. Фақат тўғрисини айтиб берсангиз бўлди. Бизни ҳам қийнамайсиз, ўзингиз ҳам энгил тортасиз.

— Қайдалигини мен қайдан билай, ўша кунни Жалолободга...

— Бас қилинг, Пўлатов. Бу чўпчакни юз марталаб такрорлаб, ҳамманинг бошини қотириб келганингиз етар энди. Тўғрисини айтинг. Биз ўтирган шу хонада онангиз билан отангизнинг руҳлари ҳам ёнма-ён ўтирибди. Фақат биз уларни кўрмаймиз. Агар виждондан бир зарра қолган бўлса, шуларнинг руҳи поклари олдида рост гапиринг!

Айтиб қўяй, уйингиздан топилган қон отангиз билан онангизнинг қонлари бўлиб чиқди. Мана, экспертиза хулосаси билан танишишингиз мумкин! Сиз энди фақат ўзингизга ўзингиз энгилликни таъминлашингиз мумкин. Агар қилишингизга пўшаймон бўлиб тўғрисини гапириб берсангиз, суд сизга энгиллик беришни ўйлаб кўради. Жасадларни қаерга кўмгансиз? — кескин савол берди терговчи, - умрингизда ҳеч бўлмаса бир марта кўроқлик қилмай, дадил гапиринг, жасадлар қани?

— Кўрғоннинг ичига кўмиб юборганман. Устига сабзи экиб қўйган эдим.

— Ҳа, шундай бўлса керак, деб ўйловдим. Ўша кунни сабзозроқ тикилиб қолган эдингиз. Кўрғазмангизни ўзингиз ёзасизми ёки мен ёзиб олайми?

— Ўзим ёзаман. Қоғоз-қалам беринг. Икки соат давомида ёзиб битазилган кўрғазмани терговчи диққат билан ўқиб чиқди. Унда қуйидагилар баён этилган эди:

— Мен аввал Зубайда исмли аёлга ўйла-

ниб, ундан 3 нафар болали бўлдим. Аммо онам билан хотинимнинг мурасалари келишмади. Онанинг тазйиқи туфайли Зубайдани 3 боласи билан ҳайдаб юбориб, Меҳмоноий деган қизга ўйландим. Ундан 2 та болам бор. Меҳмоноий билан ҳам онамнинг муросаси келишмади. 1997 йили онам билан Меҳмоноий бир-бирини ўқлов билан уришаётгани устидан чиқиб, хотинимни бир шавлоқ урганман. Аммо онамни урмаганман. Мен бирон жойда ишламасам ҳам, ёзда тоғда тош кўчириб яшигина пул топиб, онамга келтириб берганман. 1997 йил 13 март кунни ҳам бир бош новвосимни сотиб, 12 минг сўмини онамга берганман. Шундай бўлса-да, онам доим мени: «Бирон жойда ишламайсан, топганингни ичаёсан», — деб койрди. Менинг яна аччиғим чиққани — онам пулларнинг ҳаммасини синглим Қаноатхоннинг бешик тўйига сарфламоқчи бўлиб, 14 март кунни Жалолободга бормоқчи бўлди. Ундан ташқари онам: «Уйимиздаги сервантни ҳам синглингни берасан!» — деди. Мен рози бўлмадим. Онам билан бу тортишувлардан сийқилиб кўчага қидим ва ошналарим Ойбек билан Икромни учратиб, уйга

таклиф қилдим. Ўтириб кечаси соат бирга қадар ароқ ичдик. Икром ва Ойбекларни кузатиб, уйга қайтиб кириб, ўз-ўзимдан қаттиқ хафа бўлиб, қўлимга болтани олиб, ота-онам ётган хонага кирдим. Дастлаб отамнинг бўйнига болта урдим, сўнг онамнинг ҳам бўйнига болта уриб, ҳар иккаласини ўлдирдим. Сўнгра уларни қон бўлган тўшақларга ўраб, ташқарига олиб чиқдим. Бўйим баробар ерни қовлаб, ҳар иккисини кўмиб юбордим. Қон бўлган шолча ва тўшақларни ҳам бирга кўмдим. Сўнгра биров билмасин, деб кўмилган жойни текислаб, сабзи экиб қўйдим. Энди буларга пулнинг кераги йўқ, деб уйга кириб 18 минг сўм пулни олдим».

ТЕРГОВНИНГ энг даҳшатли палласи бошланди. Пўлатовлар жасадини қавлаш учун ховлига эксковатор олиб кирилди. Жуда эҳтиёткорлик билан Ҳосил кўрсатиб берган жой қовланди. Ниҳоят, эксковатор қовушига қонга беланган тўшақ илмини чиққанда қовлаш тўхтатилди. Буёғини энди қўлда қовлаш лозим эди. Терговчи Ҳосилнинг қўлига белкуракни бериб, ғазаб билан буорди:

— Ўзинг кўмгансан, ўзинг қовлаб ол энди. Унинг қора терга ботиб, ота-онасининг ярим чиреган жасадларини ташқарига кўтариб чиққанини кўрган холислар ва бошқа иштирокчилар бундай ёвузлик олдида қарахт бўлиб қолдилар. Қаноатхон еру қўкни ларзага солиб, дод солди:

— Дод, гуноҳингиз нима эди, жигарларим! Жаллод, падаркуш акадан дод, одамлар!

Ойбекнинг қалбини ёввойи бир ҳис титратиб юборди. У тишларни-тишларига босиб, «портлаб» кетиб, рўпарасидаги ваҳший ҳайвонсифат маҳлукни тепиб юборишдан ўзини аранг тийиб қолди. Биринчи марта айбдорни «сен»лаб, нафрат ва жиричанга билан паст овозда деди:

— Оқ сўт бериб, ювиб-тараб катта қилган онангни-я, елкасида кўтариб катта қилган отангни-я, қани энди илжои бўлса-ю, сени юз марта тирилтириб, юз марта отиб ташласам. Ҳайвон. Йўқ, энг ёвуз ҳайвон ҳам қилмайди бу ишни.

Ойбек кўз ёшларини биров кўриб қолмаслиги учун тескари ўгирилиб олди.

Назиржон РАҲИМОВ

Исроил ИБРОХИМОВ

ХАВФЛИ ҚОЧОК

(қиссадан боблар)

(Давоми. Бошлангани ўтган сонларда.)

Эгнида юпка қора плаш, бошига оппоқ рўмол ўраган кўхликка жуvon пиёлада чой узатди. Мунира чой ҳўллар экан, шерикларига разм солди. Улар ўзаро ҳасратлашшарди. Кексароқ аёлнинг юраги сижиларкан. Учинчи келишида сал ёзилгандай бўлибди. Агар яхши бўп кетса, Ҳалима-хонга бош-оёқ сарпо қиларкан. Урта яшар, сочларини калта қиржиб, пардоз-андозни ўрнига қўйган таннозининг уйига ўғри тушибди. Юз минг сўмлик тақинчоқларини шилиб кетибди. Органга айтай деса, «шунча тиллаларни қайси маошинга олгансан», деб сурштиришларидан чўчиркан. Хўжайини нозик ишда эмиш. Бу ҳам етмагандай, ўғли шаҳардаги уйини қиморга бой бериб, куйдирибди.

— Сиз нима билан келдиз?

Мунира кутилмаган саволдан довдиради. Бирон важ ўйлаб топишга фурсат йўқ эди. Нима дейишини билмай, танноз оймимга сўмқачасидан имзосиз хатни олиб берди.

— Вой кўлинг сингур! — деди аёл унга ачингандай бўлиб. — Чақма-чақарларнинг бари бир гўр! Аммо ма, ўзимкинчи шунақа боғлаб олганманки!...

— Бари ёлгон, ишонмайман бу гапларига, — дея Мунира хатни кўрсатганига афсусланди. — Биронта ичи қора уйимни бузмочки. Шунни билсам, бас. Худога солиб қўявераман...

— Наҳот! Наҳот! Бўлмаган гап! — Эри «нозик» жойда ишлайдиган «хурилиқ»-ни ичкаридан суяб чиқишди. У битта гапни беҳуш такроллар, рангида ранг қолмаганди. Унинг пойинтар-сойинтар сўзларига қараганда, фолбин унинг тақинчоқларини ўғли ўғирлаб, яшириб қўйганини, хатто аширган жойини ҳам тусмоллаб айтиб берибди.

«Эх, бечора! Нарса-ку топилар, ўғлидан жудо бўп қопти-ку!» Боя Муниранинг кўнглига ҳам «ўғли оғандир», деган фикр келганди. Шаҳардаги уйни қиморга бой берган «болакай» ҳеч нарсадан тап тортмаслиги биров бўлса-да мушоҳада юритишга қобил ҳар қандай кишига аён эди. Фолбин-табиб ҳам... Бирдан Мунира унинг «кароматларида» ҳеч қандай сир йўқлигини, факат кучли, ўткир мантқий ақл-заковат соҳибаси эканлигини тушунди. Лекин унга нисбатан ихлоси пасаймай, қайтага аланга олди. Энди бежавоб қайтмаслигидан кўнгли тўқ эди.

Мунира ўзининг, Хуршиднинг теварағидаги таниш-билиш, малласоқ қиз-жувонлари бирма-бир кўз ўнгидан ўтказар, бироқ уларнинг биронтаси шу даражада тубанлашмишга ақли бовар қилмасди. Бир кўнгли, бу биронта ҳазилкашнинг иши, кейин «роса ўйнатдим-да», деб бирга кулишиб юрадигандай эди. Бир кўнгли, «ҳей, кўзингни оч, Андижону Наманган, Қўқону Тошкентга зув қатнаб, иш баҳона, сариқ оймимни ўйнатиб юрган бўлса-чи», деб юраги ўртанарди.

Фолбин, табиб деганда негадир, Муниранинг кўз ўнгида болалик чоғлари хаёлига ўрнашиб қолган, етмиш ёшлардаги, қишин-ёзин эгнидан қалин тўн, бошидан оқ рўмол тушмайдиган, биров энқайиб юрадиган Отинча хола жонланарди. Ўғил-қизларини ўйлаб, жойлаган, ҳовли-жой қилиб берган Отинча хола ёлғиз яшар, неваралари, ўғил-қизлари эса ахён-ахёнда кўриниш беришарди. Отинча холанинг водопровод кранидан ташқари эски қудуги ҳам сақланганди. Бир гал унинг ҳовлисида маҳалла сумалок солганида, болалар билан ўйнаётган Мунира қудуққа тушиб кетиб, жон аччиғида чинқирди. Ҳозир ҳам, ахён-ахёнда, бу ниҳояси йўқдай чинқирishi, тубсиз кўринган қудуққа узокдан-узок чўзилувчан йўқлиши, қўрқув ҳиссиети қалбининг туб-тубидан бош кўтарарди. У пайтларда ҳали дренаж қудуқлар оз, ер ости сизот сувлари 4-5 метрдаёқ чиқаварарди. У қудуқдан қандай тортиб олишганини эслолмас, бироқ қўрқудан гижимланган юрагини ёзиш учун бошида дуолар ўқибётган Отинча хола худди кечағидай ёдида эди. Унинг майин, оҳандор товушлари сеҳри вужудига қайтадан жон киргизаётгандай юрағида ўчмас из қолдирганди...

Чех, румин, немисларникидан қолишмайдиган бежирим Қува мебеллари билан жиҳозланган меҳмонхона ўртағоғидаги журнал столининг бир ёнида, юмшоқ курсида тасоҳб ўғириб ўтирган «илоҳий вужуд»нинг навниҳоллиги Мунирани хайратга солиб, тасавуруларини остин-устун қилиб юборди. Тоғ қизларига хос, булоқ сувидай тиниқ, оқ-пастунча чехраси, ингичка қошлари остида чакнаётган тим қора кўзлари, ёш келинчақдай бошига танғиб олган ялтироқ рўмолига қараб фолбинни олтига бола тўққан жуvon дейишга тил бормасди. Афтидан Мунира билан тенгшод, жуда бўлса 30-35 ёшларда эди.

— Кувёболанинг феъли айибиди-да!

Мунира фолбиннинг мутлақо кутилмаган гапига «тахта» бўлиб қолди. «Ҳали оғиз очмасидан ичимдагини билди-я!»

— Ҳайрон бўлмасиз-а?! Бунни билиш кийин эмас. Кўринишиздан сопнасогосиз, ёлғиз кепсиз, қолаверса дардинси кўзлариз айтиб турибди...

— Хуршид акам унақа эмаслар, — деди Мунира имзосиз хатни диққат билан ўқиётган Ҳалима фолбинга. — Биронта игвогарни иши бу...

— Ораларингда бирон гап ўтгани йўқми? Уруш-жанжал бўлиб туради-ми? Сиз иккинчи турмушисиз-а?! Биринчисидан бола кўрмай ажрагансиз. Йўқ, у тақдирга тэн берган кўринида. Шошман-чи, ҳа-ҳа, бўлди. Эризни биринчи хотинини онаси сизларни кўргани кўзи, отгани ўқи йўқ!..

Имзосиз хатга қараб фол очаётган Ҳалима фолбиннинг ҳар бир сўзи айна ҳақиқатлиги Мунирани эсанқиратиб, оғзини очириб қўйди.

— ... Хатни ўша ёзган, малласоқ эса Хуршид акангиз билан бирга ишлайди!


Ҳалима фолбин Муниранинг хаёлида йўқ гапларни топиб айтди: Ахир у Хуршиднинг бухгалтер-ку! Бухгалтер хотин, оти нимаиди, ҳа, Соня, уйгаям кел турарди баъзан. Бунинг ажбланарли жойи йўқ! Иш билан келади. Кўринишидан Соня покиза хотин. Ярим йил аввал эри автобало-катда ҳалок бўлганида кийган қорасини ҳалиям ечгани йўқ. Раҳматли Генани жудаям қаттиқ севган экан! У билан Хуршид акасининг ўртасида бир гап бўлиши... йўқ, мумкин эмас. Бўхтон бу, бўхтон!

Энига: 1. Ҳозирги Ўзбекистон худудидаги қадимги давлат. 4. Қора китъа. 8. Келишмовчилик, жанжал. 9. Қадимги ханжар. 10. Ҳўл мева. 13. Уни узгадан олмоқ керак. 14. Рангли буюқ. 17. Республикамизда чоп этиладиган газета. 18. Чуқурлик. 19. Писмиқ, айёр. 20. Сартарошлик асбоби. 24. Ҳамма бўйсунуши шарт. 25. Машина маркаси. 28. Ҳам томир, ҳам шаҳар. 29. Сўхбат. 30. Совға, тортиқ. 31. Ер ости канали. 32. Суякни ўстирувчи модда.

Бўйига: 2...умид. 3. Олдинга сурилган гоё. 4. Авж. 5. Қон сўрувчи паразит ҳашорот. 6. Туркия пойтахти. 7. Эскирган сўз. 11. У қизиқчиликни ташлаган. 12. Африканинг йўлдоши. 15. Исмаг кўчган мансаб. 16. Ижтимоий-сиёсий, ҳужжый газета. 19. Россиянинг юраги. 21. Олим, фозил, мутафаккир. 22. Қон сўради. 23. «Худо» номидаги шаҳар. 26. Оти бору ўзи йўқ қуш. 27. Хитой фирмаси.

Тузувчилар: Самар ва Анвар НАЗАРОВА

КРОССВОРД



Газетанинг ўтган сонидан берилган кроссворд жавоблари:

Энига: 3. Декан. 6. Батистута. 9. Сазва. 14. Жир. 15. Карат. 19. Кампала. 20. «Роҳат» 24. Анвар. 35. Армстронг. 36. Сонет.
Бўйига: 1. Левират. 2. Лаптевлар. 10. Зирвор. 11. Киплинг. 12. Барон. 16. Упа. 17. Бавария. 18. «Ширбом». 21.

«Санам» 22. Сел. 26. Екутистон. 31. Карнет.
Ейлар буйича ўнгдан чапга: 4. Матбуот. 7. Монолит. 30. Долекрат. 34. «Парвона»
Ейлар буйича чапдан ўнга: 5. Атланта. 8. Итбалик. 13. «Титаник». 23. Ҳовонча. 27. Учқудук. 32. Чувара.

Кутловлар

*Дилбандимиз
Ҳолидаҳон Қошова!*

Таваллуд айёмиги билан самимий кутлаймиз. Оиланг, фарзандларинг бахтига доимо соғ ва омон оришингни яратгандан сўраб қоламиз. Хонадонингдан бахт арима-син.

Оила-аъзоларинг, онанг ва дадаг.
Бахт шаҳри

*Мухтарам онажонимиз
Шаҳришо ая!*

Туғилган кўнглинг билан чин юракдан табриклаймиз. Бахтимизга ҳамиша соғ бўлинг, Аллоҳдан Сизга узок умр, мустаҳкам соғлиқ тилаймиз. Қувонч ва шодлик ҳамиша ҳамроҳингиз бўлишини истаб қоламиз.

Фарзандларингиз
номидан кўзингиз
Сарвиноз.
Сирдарё вилояти

ТУРФА ОЛАМ

КУЛИНГ ДЎСТИМ, ЧЕМПИОН БЎЛАСИЗ

Халқаро олимпиада кўмитасида айни кунларда олимпиада ўйналари сонини яна биттага қўлайтириш юзасидан кизгин тортишувлар бўлаяпти. Агарда кўнчиликнинг овозини инобатга олиб, кўмита қарор қабул қиладиган бўлса, нобатдаги олимпиада ўйналарида иштирокчилар кулиш буйича чемпионликни қўлга киритиш борасида ҳам беллашадир, чоғи.

Олимпиада кўмитасида бу масаланинг кўриб чиқишларида Бомбеда жойлашган Халқаро Бомб клуби президентининг кўмитага юборган таклифи сабаб бўлди. Ушбу клуб маъмуриятининг маълум қилишича, клуб спортчиларга ҳар томонлама фойдали экан.

France Press агентлигининг хабар беришича, бу тажриба Бомбедаги қамқононалардан бирода синиб қурилганда изобий натижа қайд этилган. Яъни, маҳбусларнинг кайфияти кўтарилиб, уларнинг бир-бирларига бўлган муносабатлари бирмунча яқинлашган.

ТАҚДИМОТ

ЖАҲОН ЮЛДУЗЛАРИ ЛОНДОНДА

Яқинда Лондондаги Роял Альберт-холл қароргоҳида жаҳоннинг энг яхши спортчиларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Ўзига хос шоу тарзида ўтказилган мазкур тадбирда сайёрамизнинг энг кучли спортчиларининг деярли барчаси иштирок этишди.

энг кучли спортчи деб 100 ва 200 метрга югуриш буйича олимпиада чемпиони Мэриан Жонс (аёллар ўртасида) ҳамда 400 метрга югуриш борасида Сиднейда зафар қучган Майкл Жонсон эътироф этилди.

Ҳозирда энг кимматбахо ўйинчи ҳисобланаётган Луиш Фигу жаҳоннинг энг яхши футболчиси деб эълон қилинган даъда эса залда гулдурос қарсақлар янгради.

«Спортнинг жангонар турлари» йўналишида голибликни қўлга киритган Леннокс Льюис тақдирлаш маросимидан жуда тўлқинланиб чиқди



Мухаммад Али

Англияликларнинг фахри, беш марта олимпиада чемпиони Стив Редгрейв «Сув спорти турлари» йўналишида «Жаҳоннинг энг яхши спортчиси» унвонини қўлга киритиши муҳаррар эди. Аммо ўтган йилнинг декабрь ойида ўтказилган охирги мусобақада уни голландиялик Питер ван дер Хугенбанддан ордақолиб кетиши бундай шарафдан маҳрум этди.

Голландиялик спортчи тақдирлаш маросимиде сўзлаган нутқиде улқоқни илбб кетганлиги учун Редгрейвдан узр сўраб, унинг булоқ спортчи эканлигини мардларча тан олди.

Шунингдек, мазкур йўналишида энг яхши спортчи деган ном Сидней олимпиадасида учта олтин медали қўлга киритган Ингу де Брюинга ҳам насиб этди.

«Енгил атлетика» йўналишида

ва у анжуман якунида журналистларга берган интервьюсида «бокс оламини тозалаш» мақсадида Майк Тайсонга қарши рингга чиқишга тайёр эканлигини маълум қилди.

Шунда й қилиб, Роял Альберт-холл кўплаб спортчиларга олий мукофотларни улашди.

Охирги йиллардаги хайрия ишлари

учун Арнольд Шварценеггерга мўлжалланган соврин унинг тадбирда иштирок эта олмаганлиги учун афсонавий боксчи Мухаммад Алига насиб этди.

Тақдирлаш маросимидан сўнг залга йиғилганларга Брайан Адамс бошчилигидаги юдузларнинг чиқишлари намойиш этилди.



Луиш Фигу

ЎТГАНЛАРИНГ ОХИРАТИ ОВОД БЎЛСИН

Ўзбекистон Республикаси прокуратураси жамоаси Республика прокуратурасининг фўқароларни қабул қилиш ва аризаларни кўриб чиқиш бўлими прокурори

Венера ДАВИДОВНИНГ

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг яқинларига чўкур таъзия билдиради.